

## Ўзбекистон Республикаси номидан

### Ҳ У К М

2023 йил май ойининг 22-куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, ўз биносида очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: судья Н.Н.Ашуров,

судья ёрдамчиси Б.Носировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бухоро шаҳар прокурори ёрдамчиси Б.Бабамурадов, жабрланувчи И.Остонов, жабрланувчи У.Махмудов ва унинг вакили-адвокат Ф.Файзиллаев, судланувчи Ж.Раджабовнинг иштирокида,

сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Бухоро туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланади,

иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 7 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини эшитиб, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб кўриб ҳамда тарафларнинг музокара нутқларини муҳокама қилиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил декабрь ойининг бошларида ва 2022 йил 7 январь куни Бухоро шаҳар “С.Айний” МФЙ., “Саноатчилар” кўчасида жойлашган “Зиё файз қурилиш” МЧЖга қарашли қурилиш моллари савдо дўкони сотувчиси Маҳмудов Улуғбек Деҳқоновичдан умумий баҳоси 15.000.000 сўм бўлган 250 қоп “Ротбанд” номли шкатурка учун қуруқ аралашма ва 250 қоп “Мегамикс” номли сатин шпаклёвкаларни пулини келтириб беришни ваъда қилиб олиб кетиб, уларни ишлатиб юбориб, жабрланувчини ишончини суиистеъмол қилган ҳолда унга моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.



Бундан ташқари, Раджабов Жаҳонгир Джураевич ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, фуқаро Останов Исмаилнинг ишончига кириб, уйининг айвонини қуриб беришни ваъда қилиб, қурилиш учун зарур маҳсулотларни ўзи келтириб беришини айтиб алдаб, 2022 йил 30 август куни Бухоро шаҳар Оҳангарон кўчаси 22-уйда И.Остановдан 6.000.000 сўм нақд пулларни олиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб, жабрланувчига моддий зарар етказиб, такроран фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Судланувчи Ж.Раджабов судда, айбига иқрорлигини, қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланиб келишини, 2022 йил декабрь ойи бошларида ва 2022 йил 7 январь куни Бухоро шаҳридаги “Оазис” супермаркети яқинида жойлашган қурилиш моллари дўконига бориб, сотувчи У.Маҳмудовдан пулини тез орада келтириш шарти билан қурилиш моллари олиб кетганлигини, 250 қоп “Ротбанд” номли шкатурка учун қуруқ аралашма ва 250 қоп “Мегамикс” номли сатин шпаклёвкаларни жами 15 миллион сўмга келишиб олганлигини, ушбу масулотларни ишлатиб, мижозлардан пулини олган бўлсада, У.Маҳмудовга пулларни қайтармасдан ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганлигини, 2022 йил 30 август куни Бухоро шаҳар Оҳангарон кўчаси 22-уйда яшовчи И.Остановга яшаш уйида айвон қуриб беришини айтиб, қурилиш маҳсулотлари ўзи келтиришини айтиб, ундан 6.000.000 сўм олганлигини ва ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, И.Остановга айвон қуриб бермаганлигини ва олган пулларни ҳам қайтариб бермаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, пулга муҳтож бўлганлиги боис У.Маҳмудов ва И.Остановни алдаганлигини, ҳозирда У.Маҳмудов ва И.Остановдан кечирим сўраб уларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини баён қилиб, суддан ўзига қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи У.Маҳмудов судда, Бухоро шаҳридаги “Оазис” супермаркети яқинида жойлашган қурилиш моллари дўконига сотувчи бўлиб ишлаб келаётганлигини, 2022 йил декабрь ойи бошларида ва 2022 йил 7 январь куни фуқаро Ж.Раджабовга жами 15 млн. сўмга ҳисоблаб, 250 қоп “Ротбанд” номли шкатурка учун қуруқ аралашма ва 250 қоп “Мегамикс” номли сатин шпаклёвкаларни берганлигини, Ж.Раджабов ушбу маҳсулотларни мижознинг уйида ишлатиб, пулини олгач келтириб беришни ваъда қилганлигини, у Ж.Раджабовга ишонганлиги сабабли розилик билдириб, унга қурилиш маҳсулотларни бериб юборганлигини, шундан сўнг Ж.Раджабов унга келишилган пулларни бермасдан, олган маҳсулотларни қайтармасдан, ҳар хил баҳоналар қилиб алдаб келганлигини, шу боис Ж.Раджабовга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб ИИБга мурожаат қилганлигини,



ҳозирда Ж.Раджабов ундан кечирим сўраб, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Жабрланувчи И.Остонов судда, ўзининг яшаш уйи, Бухоро шаҳар Оҳангарон кўчаси 22-уй ички ҳовлисида айвон қурмоқчи бўлиб, устачилик билан шуғулланиб келаётган Ж.Раджабов билан маслаҳатлашганлигини, Ж.Раджабов айвон қуриб бера олишини, 6 млн. сўм эвазига қурилиш маҳсулотларини харид қилиб келиб ишни бошлашини айтганлигини, у Ж.Раджабовга ишониб, қурилиш маҳсулотлари харид қилиши учун 2022 йил 30 август куни унга 6 млн. сўм берганлигини, Ж.Раджабов пулларни олиб, қурилиш маҳсулоти олиб келишини айтиб кетганлигини ва шундан сўнг бошқа қайтиб келмаганлигини, Ж.Раджабов қурилиш маҳсулотлари олиб келмасдан, олган пулларни қайтармасдан, ҳар хил баҳоналар қилиб алдаб келганлигини, шу боис Ж.Раджабовга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб ИИБга мурожаат қилганлигини, ҳозирда Ж.Раджабов ундан кечирим сўраб, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Судланувчи Ж.Раджабовнинг айби, унинг судда ўз айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд муҳокамасида текширилиб, баҳо берилган ариза, тушунтириш хатлари, тилхат, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, сўроқ қилиш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа ёзма далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи Ж.Раджабовнинг такроран фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгаларнинг мулкини қўлга киритишда ифодаланган қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчига нисбатан жазо тайинлашда амалдаги Қонун талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топди.

Хусусан, Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1, 3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ж.Раджабовга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, унга ЖК 168-моддасининг 3-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатиришни, жазо муддатини унинг иш ҳақидан ушланган кундан бошлаб ҳисоблашни, ҳукм ижросини Бухоро туман ички ишлар бўлимига юклатишни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Суд иш бўйича етказилган зарарларни ундириш масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчилар У.Маҳмудов ва И.Остановга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги ҳамда уларнинг судланувчи Ж.Раджабовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги қайд қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454, 457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

Раджабов Жаҳонгир Джураевич (Radjabov Jahongir Djurayevich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

Унга Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилсин. Жазо муддати унинг иш ҳақидан ушланган кундан бошлаб ҳисоблансин. Жазо ижросини



назорат қилиш Бухоро туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчилар У.Маҳмудов ва И.Остановга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги ҳамда уларнинг судланувчи Ж.Раджабовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги қайд қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан, шу суд орқали Бухоро вилоят судига йигирма сутка муддат ичида апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**Н.Ашуров**

